

Муфтий ҳазратларининг ёш диний соҳа ходимларига мурожаатномаси етказилди



12:59 / 30.06.2024 1443

30 июнь – **“Ёшлар кун**и” муносабати билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг Диний идора тизимида хизмат қилаётган ёшларга мурожаатномаси Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти, Тошкент шаҳри ва вилоятлар вакилликлари мутасаддилари томонидан ҳудудларда диний соҳада меҳнат қилаётган ёшларга ўқиб эшиттирилди.

Мурожаатномада сўнгги йилларда мамкатимизда баркамол авлодни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш борасида кенг қўламли ишлар қилинаётгани, ўз навбатида, келажагимиз ворислари ҳам бундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда кўплаб ютуқларга эришаётгани таъкидланган.

Шунингдек, динимизда навқирон ўғил-қизларга катта эътибор қилингани, бу борада ояту карима, ҳадиси шарифлар борлиги қайд этилиб, фарзандларимизни илму маърифат эгаллаш, она Ватан равнақи ва муборак динимиз ривожини йўлида собитқадам бўлишга чақирилган.

Ўтказилган тадбирларда 30 июнь – **“Ёшлар кунини”** муносабати билан вакилликлар томонидан ёшларга эсталик совғалари топширилди ва дастурхон ташкил этилди.